


Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 83 966,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 7,8 фоизга тенг бўлди.


ЯИМ умумий ҳажмининг 79,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 20,9 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

Январь-июнда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2015 й.




2016 й.



-  Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
-  Маҳсулотларга соф соликлар
-  Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
-  Саноат (курилишни қўшган ҳолда)
-  Хизматлар

2016 йилнинг январ-июнида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби қуийдагича ифодаланади:



Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи (фермер ва дәҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 283,5 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 265,2 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,5 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатта олинган юридик шахсларнинг 23,5 фоизи), саноат (16,0 фоизи), қурилиш (8,4 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисба— тан фо— изда	минг бирлик	якунга нисба— тан фо— изда
Жами	283,5	100,0	265,2	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19,8	7,0	18,1	6,8
саноат	45,3	16,0	42,6	16,1
қурилиш	23,7	8,4	21,8	8,2
савдо	66,7	23,5	60,8	22,9
ташиш ва сақлаш	11,2	4,0	10,6	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйча хизматлар	16,3	5,7	15,1	5,7
ахборот ва алоқа	7,0	2,5	6,4	2,4

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисба – тан фо – изда	минг бирлик	якунга нисба – тан фо – изда
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	8,3	2,9	8,2	3,1
бошқа фаолият турлари	85,2	30,0	81,6	30,8

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 86,3 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан 29,0 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштироқидаги корхоналар, 55,5 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидағи корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қўйидагича тақсимланади:

**1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида**



2016 йилнинг январь – июнида жами 17,0 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 16,4 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,1 фоизи), Тошкент (10,0 фоизи),

Фарғона (8,2 фоизи) ва Самарқанд (7,6 фоизи) вилоятларига тўғри келади.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона

ва ташкилотларнинг 23,8 фоизи савдо, 20,4 фоизи саноат ва 9,8 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 12,2 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 2,2 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 17,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йилнинг январь-июнида ЯИМ ва иқтисодий фаолият турлари ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг

фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар

2016 йилнинг январь-июнида 16,4 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга кўпдир).

2016 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

—саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 21 303,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 41,9 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 120,1 фоизни ташкил қилди;

—8 400,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 37,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 127,0 фоизни ташкил қилди;

—9 956,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,5 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 120,7 фоизни ташкил қилди;

—автомобил транспорти юк айланмасининг 8,0 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,7 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 91,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

—чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,8 фоизи ёки 36 135,6 млрд. сўми (ўсиш 18,2 фоиз) шакллантирилди;

— 2 043,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 33,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 2 665,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 47,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

—10 250,2 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8 116,6 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 2 133,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

2016 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидағи хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуийдагича ифодаланади:


	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	21 303,6	48,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19 734,2	100,0
Қурилиш	9 956,6	63,2

кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Чакана савдо	3 6135,6
Юк ташиш, млн.ти	329,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	3 289,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2 043,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	2 665,1

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9 426,9 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қўйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг январь-июнида 305 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилоятида 54 та, Тошкент вилоятида 54 та, Қорақалпоғистон Республикасида 33 та, Қашқадарё вилоятида 28 та, Сурхондарё вилоятида 26 та объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 203 та объектни ташкил этади.

2016 йилнинг январь-июнида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 63,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 44,8 фоизи), Тошкент (11,2 фоиз), Фарғона (7,6 фоиз), Наманган (6,1 фоиз), Бухоро (5,0 фоиз) ва Хоразм (4,9 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар


Дастлабки маълумотларга кўра 2016 йилнинг январь-июнида ташқи савдо айланмаси 11 613,5 млн. АҚШ долларини, жумладан 6 027,6 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 5 585,9 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 441,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

2016 йилнинг январь-июнида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси қуийидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	11 613,5	100,0
МДҲ мамлакатлари	4 242,2	36,5
бошқа давлатлар	7 371,3	63,5
Экспорт	6 027,6	100,0
МДҲ мамлакатлари	2 363,2	39,2
бошқа давлатлар	3 664,4	60,8
Импорт	5 585,9	100,0
МДҲ мамлакатлари	1 879,0	33,6
бошқа давлатлар	3 706,9	66,4

Январь-июнда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуийидагича ифодаланади:

фоизда




2016 йилнинг январь-июнида республика экспорт-импорти таркиби қуийдагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
Экспорт	6 027,6	100,0
пахта толаси	308,4	5,1
озиқ-овқат маҳсулотлари	677,4	11,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	478,9	7,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	850,5	14,1
қора ва рангли металлар	334,3	5,6
машина ва ускуналар	75,3	1,3
хизматлар	1 579,7	26,2

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
бошқалар	1 723,1	28,6
Импорт	5 585,9	100,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	701,1	12,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	1 064,9	19,1
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	270,9	4,8
қора ва рангли металлар	398,4	7,1
машина ва ускуналар	2 225,0	39,8
хизматлар	361,0	6,5
бошқалар	564,6	10,1

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**



2015 йилнинг январь-июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика төвар айланмасида улуси, фоиз ҳисобида
Хитой	2 090,3	92,4	18,0
Россия	2 021,8	99,0	17,4
Қозоғистон	1 079,3	77,5	9,3
Туркия	597,6	99,2	5,1
Корея Республикаси	508,4	57,9	4,4
Афғонистон	283,6	114,1	2,4
Германия	267,3	104,0	2,3
Ҳиндистон	184,5	126,2	1,6
Эрон	169,4	76,1	1,5
Бразилия	161,1	90,2	1,4
Латвия	160,8	189,8	1,4


	млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика то- вар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Франция	145,5	101,3	1,3
Украина	123,7	57,6	1,1
Япония	121,9	146,0	1,0
БАА	121,1	187,2	1,0
Литва	117,5	65,9	1,0
Туркманистон	116,9	70,1	1,0
АҚШ	110,1	105,1	0,9
Тоҷикистон	96,9	126,5	0,8
Швейцария	89,2	2,1 м.	0,8
Бангладеш	86,8	91,3	0,7
Италия	74,0	95,6	0,6
Қирғизистон	71,3	100,4	0,6
Буюк Британия	59,2	140,0	0,5
Австрия	56,6	118,4	0,5
Польша	54,0	77,0	0,5
Грузия	47,9	72,9	0,4
Беларусь	46,2	77,8	0,4
Малайзия	42,5	90,8	0,4
Бельгия	37,2	97,9	0,3
Чехия Республикаси	36,2	88,1	0,3
Нидерландия	33,3	80,4	0,3
Сингапур	25,9	79,7	0,2
Испания	25,2	125,4	0,2
Венгрия	23,0	97,9	0,2
Словения	20,7	84,5	0,2
Покистон	19,8	147,8	0,2
Саудия Арабистони	18,0	2,0 м.	0,2
Финляндия	17,6	71,3	0,2
Исройл	16,6	60,8	0,1
Швеция	16,2	94,7	0,1
Индонезия	14,5	2,0 м.	0,1

млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика то– вар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
---------------------	--	--


Дания 13,9 195,8 0,1

2016 йилнинг январь–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуийидагича ифодаланади:


Экспорт




Бошқа давлатлар



Импорт



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ– овқат маҳсулотлари
- ▨ Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- ▨ Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- ▨ Кора ва рангли металлар
- ▨ Машина ва ускуналар
- ▨ Хизматлар
- ▨ Бошқалар

Саноат

2016 йилнинг январь-июнида республика саноат корхоналари томонидан 50 897,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,7 фоизни ташкил этди. Соҳада меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,9 фоизга ошди.

2016 йилнинг I ярим йиллиги якунларига кўра, Халқаро тармоқлар класификацияси стандарти бўйича саноат ишлаб чиқариш индекси, қурилишни қўшган ҳолда, 106,7 фоизни ташкил қилди.

Тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг саноат умумий ишлаб чиқаришидаги улуши 41,9 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 35,5 фоиз) ўсади.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилнинг январь-июнь ойларида

2 327,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 20 677,4 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 10 504,5 млрд. сўмни ва 116,5 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари эса 10 172,9 млрд. сўмни ва 90,8 фоизни ташкил қилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 40,6 фоизга етди.

2016 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

млрд. сўм

ўсиш суръати,
фоиз ҳисобида


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	50 897,9	104,7
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	5 569,0	105,1
уладардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	3 166,6	105,4
Металл рудаларини қазиб олиш	1 699,6	101,9
тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	439,5	121,0
Қайта ишлаш саноати	39 999,3	104,8
ундан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11 460,4	113,9
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	8 925,0	116,6
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш	950,6	115,5
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	458,4	120,9
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 420,8	99,2
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	4 115,5	129,9
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	386,0	124,0

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2 910,6	113,9
металлургия саноати	3 610,9	105,7
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	5 182,3	68,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	4 954,3	103,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш	375,3	114,9
 Истеммол маҳсулотлари	20 677,4	102,3
шу жумладан:		
озиқ-овқат	10 504,5	116,5
ноозиқ-овқат	10 172,9	90,8


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январ – июнь
2015й.



Январ – июнь
2016й.




- ☒ Төлөө – консьюматив ишлешүүлүш
- ☒ Қайта ишлешүүлүш
- ☒ Электр, газ, буял таъминлаштыруу жана ҳавони кондициялаштыруу
- Сув билан таъминлаштыруу; канализация тизими, чиңдиларни йиғиштүү жана утилизация қилиш

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2016 йилнинг январ – июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларини ишлаб чиқариш умумий ҳажми 20 208,4 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳалардаги хизматлар – 20 076,9 млрд. сўмни (106,8 фоиз), ўрмон хўжалигида – 40,7 млрд. сўмни (101,3 фоиз), балиқчилик хўжалигида – 90,8 млрд. сўмни (125,2 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. 2016 йилнинг январь-июнида деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 11 664,3 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни (2015 йилнинг январь-июнида-106,2 фоиз) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июль ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3 686,7 минг гектарни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,4 минг гектар майдонга кўп экин экилди.

Дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1 676,5 минг гектарни (2015 йилга нисбатан 18,7 минг гектарга кўп), картошка экин майдонлари 84,1 минг гектарни (4,4 минг гектарга кўп), сабзавот экинлари майдони 205,4 минг гектарни (12,4 минг гектарга кўп), озуқа экинлари майдони 327,6 минг гектарни (2,4 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

2016 йилнинг 1 июлига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экин майдонлари қуйидагича ифодаланади:

	минг гектар	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Экин майдони	3 686,7	100,4	100,0
Донли экинлар	1 676,5	101,1	45,5

шу жумладан:

	минг гектар	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
бошоқли экинлар	1 548,7	100,9	42,0
шундан, буғдой	1 444,8	100,2	39,2
шоли	62,3	98,5	1,7
дон учун маккажүхори	39,1	107,8	1,1
бошқалар	26,4	114,5	0,7
Техник экинлар	1 331,5	97,5	36,1
шу жумладан ғўза	1 265,0	97,6	34,3
Картошка	84,1	105,5	2,3
Сабзавот	205,4	106,4	5,6
Полиз	61,1	119,3	1,6
Озуқа экинлари	327,6	100,7	8,9

Ҳосилни йигиб-териб олиш. 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 5 893,7 минг тонна донли экин, шу жумладан 5 869,4 минг тонна бошоқли дон, шундан 5 777,6 минг тонна буғдой йигиб олинди.

Ҳисобот даврида 1 457,5 минг тонна картошка қазиб олинди (2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 9,1 фоизга кўп), 2 863,5 минг тонна сабзавот (9,5 фоизга кўп), 176,6 минг тонна полиз экинлари (8,3 фоизга кўп), 906,7 минг тонна мева ва резаворлар (8,0 фоизга кўп) ҳамда 26,6 минг тонна узум(9,4 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2016 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 162,2 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни (2015 йилнинг январь-июнида-106,7 фоиз) ташкил қилди.

2016 йилнинг 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда иирик шохли қорамоллар бош сони 616,4 минг бошга (5,6 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 111,4 минг бошга (2,7 фоизга),

қўй ва эчкилар сони 753,8 минг бошга (3,9 фоизга), паррандалар сони 4 649,7 минг бошга (7,9 фоизга) қўпайди.

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,7 фоизни, сигирлар мос равишда – 94,7 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,0 ва 7,3 фоизни, отлар – 84,7 ва 9,4 фоизни, паррандалар – 64,4 ва 11,1 фоизни ташкил қилди.

2016 йил 1 июль ҳолатига барча хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар сони қўйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Йирик шохли қорамол	11 685,4	105,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	554,6	103,7
декон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	11 001,5	105,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	129,3	107,1
шу жумладан сигирлар	4 274,2	102,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	189,3	102,7
декон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4 047,4	102,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	37,5	104,5
Қўй ва эчкилар	19 866,3	103,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 458,9	107,5
декон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	16 489,0	103,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 918,4	103,9
Отлар	218,9	102,2
шу жумладан:		

	минг бош	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
фермер хўжаликлари	20,5	104,3
дeҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	185,4	101,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	13,0	102,7
Паррандалар	63 648,4	107,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7 092,0	104,4
дeҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	40 982,9	110,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	15 573,5	102,8

2016 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда 1 008,1 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2015 йил январь-июнига нисбатан 6,8 фоизга кўп), 4 205,5 минг тонна сут (7,1 фоизга кўп), 3 065,8 млн. дона тухум (9,1 фоизга кўп), 19,4 минг тонна жун (5,4 фоизга кўп), 913,2 минг дона қора кўл тери (4,4 фоизга кўп) етиширилди.

2016 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуийдагича ифодаланади:

	миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1 008,1	100,0	106,8
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	24,6	2,4	106,1
дeҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	955,5	94,8	106,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	28,0	2,8	110,1

	миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Сут, минг тн.	4 205,5	100,0	107,1
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	147,0	3,5	107,0
дэҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4 029,7	95,8	107,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	28,8	0,7	113,2
Тухум, млн. дона	3 065,8	100,0	109,1
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	274,5	9,0	109,3
дэҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1 858,1	60,6	114,5
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	933,2	30,4	99,6
Жун, тн.	19 362	100,0	105,4
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	1 449	7,5	105,1
дэҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	16 488	85,1	107,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 425	7,4	89,1
Қоракўл тери, минг дона	913,2	100,0	104,4
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	52,7	5,8	105,0
дэҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	749,6	82,1	105,5

миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
---------	---	--------------------------------------

**қишлоқ хўжалиги фаолиятини
амалга оширувчи
ташкилотлар**

110,9 12,1 97,7

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,6 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлирида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми 4 606,3 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга ўсди.

2015 йилнинг 1 июль ойи билан солиширилганда фермер хўжаликлирида йирик шохли қорамоллар 19,8 минг бошга (ёки 3,7 фоизга), сигирлар 4,9 минг бошга (2,7 фоизга), қўй ва эчкилар 102,2 минг бошга (7,5 фоизга), паррандалар 296,8 минг бошга (4,4 фоизага) кўпайган.

2016 йилнинг январь – июнида фермер хўжаликлари томонидан асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмларидағи улуши қўйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли дон	4 874,8	83,1	101,3
шу жумладан, буғдоӣ	4 813,8	83,3	101,1
Картошка	156,4	10,7	109,4
Сабзавотлар	461,6	16,1	110,3
Полиз экинлари	63,9	36,2	106,7
Мева ва резаворлар	302,8	33,4	107,3
Узум	6,2	23,3	104,5
Гўшт (тирик вазнда)	24,6	2,4	106,1

	минг тонна	ишлиб чиқариш умумий ҳажмидағи улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Сут	147,0	3,5	107,0
Тухум, млн. дона	274,5	9,0	109,3
Жун	1,4	7,5	105,1
Қоракүл, минг дона	52,7	5,8	105,0

Инвестициялар ва қурилиш

2016 йилнинг январь-июнида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 22 304,8 млрд.сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 7,8 миллиард АҚШ долларини) ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 111,8 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 26,6 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 1,7 фоизга ортди.

2016 йилнинг январь-июнида мулкчилик шакллари ва молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

шу шумладан

мулкчилик шакллари

Жами

бўйича:

<u>Давлат</u>	<u>Нодавлат</u>
---------------	-----------------

<u>Жами инвестициялар, млрд.сўм</u>	<u>22 304,8</u>	<u>4 056,4</u>	<u>18 248,4</u>
-------------------------------------	-----------------	----------------	-----------------

**шу жумладан молиялаштириш
манбалари бўйича:**

<u>девлат бюджети маблағлари</u>	<u>1 119,7</u>	<u>22,3</u>	<u>1,2</u>
----------------------------------	----------------	-------------	------------

шу шумладан
мулкчилик шакллари
бўйича:

	Жами	давлат	нодавлат
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	1 172,3	28,8	0,0
корхоналар ва аҳоли маблағлари	11 480,9	18,7	58,8
чет эл инвестициялари ва кредитлари	5 131,7	18,4	24,0
банк кредитлари ва бошقا қарз маблағлари	2 504,8	4,0	12,8
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	691,7	3,1	3,1
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	203,7	4,7	0,1

2016 йилнинг январь–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қўйидагича ифодаланади:

	Жами	млрд.сўм	умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида
Жами	22 304,8	100,0	
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	794,4	3,6	
Тоғ–кон саноати	3 626,0	16,3	
ундан:			
кўмир ва лигнит қазиб олиш	130,2	0,6	

умумий
 ҳажмга
 нисбатан,
 фоиз
 ҳисобида

хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	3 242,4	14,5
металл рудалар қазиб олиш	80,4	0,4
Қайта ишлаш саноати	3 170,9	14,2
ундан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимлик–лар ва тамаки маҳсулотлари	458,7	2,1
тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим	467,5	2,1
кимё маҳсулотлари	457,4	2,0
резина ва пластмасса буюмлар	154,6	0,7
нometалл минерал маҳсулотлар	409,1	1,8
металлургия	340,1	1,5
металл буюмлар	177,2	0,7
автотранспорт воситалари ва бошقا транспорт учун ускуналар	182,3	0,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1 007,4	4,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йифиши ва утилизация қилиш	251,6	1,1
Қурилиш	1 321,7	5,9
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1 080,8	4,9
Ташиш ва сақлаш	2 215,8	9,9

млрд.сўм
**умумий
ҳажмга
нисбатан,
фоиз
ҳисобида**

Ахборот ва алоқа	584,3	2,6
-------------------------	--------------	------------

улардан:

алоқа	552,4	2,5
--------------	--------------	------------

Молиявий ва сұғурта фаолияти	181,1	0,8
-------------------------------------	--------------	------------

Профессионал, илмий ва техник фаолият	265,8	1,2
--	--------------	------------

Таълим	711,5	3,2
---------------	--------------	------------

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар күрсатиши	491,0	2,2
--	--------------	------------

улардан:

соғлиқни сақлаш	481,0	2,1
------------------------	--------------	------------

Санъат, күнгил очиш ва дам олиш	201,2	0,9
--	--------------	------------


Бошқа фаолият турлари	1 244,0	5,6
------------------------------	----------------	------------

бундан ташқари:

Уй-жой қурилиши	4 976,8	22,3
------------------------	----------------	-------------

Чет эл инвестициялари ва кредитларини алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштириш қуийдагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йилнинг январ–июнида умумий майдони 5 967,9 минг кв.м. бўлган 42,4 мингта уй ёки 43,4 мингта хонадон (2015 йилнинг январ–июнига нисбатан 112,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 4 389,5 минг кв.м. (120,1 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта тъмирашда 301,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишида 61,5 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллекларини қуриш ва қайта тъмирашда 154,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган

инвестицияларнинг

21,7 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 261,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 36,8 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 92,5 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 63,7 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 68,8 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 18,1 млрд. сўм (19,6 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 10,7 млрд. сўм (11,6 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 4,5 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 2,8 млрд. сўм (62,2 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 1,7 млрд. сўм (37,8 фоизи) ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2016 йилнинг январь-июнида қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан 14 324,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 117,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь- июнь
2015 й.



Январь- июнь
2016 й.



- ❖ Давлат мулки
- ❖ Фуқаролар хусусий мулки
- ❖ Хўжалик бирлашмалари мулки
- ❖ Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- ❖ Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2016 йилнинг январь-июнида барча турдаги транспортлар томонидан 691,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 104,9 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 42,1 млрд.тн-км.ни ташкил қилди ёки 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 105,5 фоизга ўсди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуийдагича ифодаланади:

	2016 йил январь-июнь	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	691,5	104,9
темир йўл транспортида	33,3	100,3
автомобил транспортида	625,8	104,8
ҳаво транспортида, минг тн	12,4	123,0
қувур йўллари орқали	32,4	111,4
 Юк айланмаси, млн. тн-км	42 063,8	105,5
темир йўл транспортида	11 587,8	100,0
автомобил транспортида	14 162,8	105,1
ҳаво транспортида	57,7	105,3
қувур йўллари орқали	16 255,5	110,2


Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуийдагича ифодаланади:

**юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида**

**Январь – июнь
2015 й.**



**Январь – июнь
2016 й.**



- Автомобил транспорти
- Қувур йўли
- Темир йўл транспорти
- Ҳаво транспорти

2016 йилнинг январь-июнида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуийдагича ифодаланади:

	минг тонна	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Юклар – жами	33 315,7	100,3
шу жумладан:		
тошкўмир	1 632,7	82,5
нефт маҳсулотлари	5 381,5	98,0
қора металлар	461,2	88,4
қора метал темир-терсаклари	369,7	98,6
кимёвий ва минерал ўғитлар	2 333,8	100,4
қурилиш материаллари	3 779,3	94,1
цемент	2 607,5	102,8
ёғоч-тахта материаллари	10,9	48,5
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	494,8	89,8

Автомобил транспортида 625,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 4,8 фоизга кўпdir.

Юк айланмаси 14,2 млрд. тн-км.ни ташкил қилди ва 5,1 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2015 йил январь-июнъ даражасидан 7,2 фоизга кўпайди ва 10,7 млрд. тн-км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 75,3 фоизни (2015 йилнинг январь-июнида 73,8 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 12,4 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 23,0 фоизга кўпдир, юк айланмаси эса 5,3 фоизга ортиб, 57,7 млн.тн-км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 16,3 млрд. тн-км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,2 фоизга ортди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 3 690,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 4,8 фоизга ортди. Йўловчи ташиш айланмаси 5,1 фоизга кўпайиб, 50,7 млрд. йўловчи-км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь -июнь	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	3 690,6	100,0	104,8
темир йўл транспортида	11,0	0,3	104,6
автомобил транспортида	3 649,2	98,9	105,0
ҳаво транспортида	1,0	0,03	91,8
шаҳар электр транспортида	29,4	0,8	87,2
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	50 699,1	100,0	105,1
темир йўл транспортида	1 952,6	3,9	103,0
автомобил транспортида	45 382,9	89,5	105,8
ҳаво транспортида	3 150,5	6,2	98,1
шаҳар электр транспортида	213,1	0,4	92,8

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келиб, 98,9 фоизни, йўловчи айланмасида эса 89,5 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 4,6 фоизга ошди ва 11,0 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 3,0 фоизга ошди ва 1 952,6 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1 015,6 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 8,2 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 3 150,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан, мос равища, 0,7 фоизга ортди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йилнинг январь-июнида чакана савдо товар айланмаси 40 238,0 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 114,1 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-июнида чакана товар айланмаси таркиби мулкчилик шакллари бўйича қуидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	40 238,0	114,1	100,0
давлат мулки	52,3	107,2	0,1
нодавлат мулки	40 185,7	117,4	99,9
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	30 061,6	124,0	74,7

Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 4 102,4 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 10,2 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 18,2 фоизга кўпайиб, 36 135,6 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидағи улуши эса 89,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 5 537,0 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,6 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 13,8 фоизга тенг бўлди.

2016 йилнинг январь-июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	40 238,0	114,1	100,0
йирик корхоналар	4 102,4	87,4	10,2
кичик тадбиркорлик	36 135,6	118,2	89,8

шундан:

уюшмаган савдо товар айланма- си	5 537,0	103,6	13,8
--	---------	-------	------

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-июнида қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	41 626,9	112,9	100,0

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2 873,3	111,4	6,9
Молиявий хизматлар	4 656,3	121,2	11,2
Транспорт хизматлари	12 091,9	109,1	29,1
шу жумладан:			
автотранспорт хизматлари	6 521,1	116,0	15,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 251,6	111,7	3,0
Савдо хизматлари	11 747,3	114,1	28,2
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	1 510,6	116,6	3,6
Таълим соҳасидаги хизматлар	1 424,5	105,2	3,4
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	637,6	115,7	1,5
Ижара ва прокат хизматлари	973,0	117,1	2,3
Компьютер ва майший техника товарларини тамирлаш хизматлари	983,9	114,7	2,4
Шахсий хизматлар	1 416,5	113,9	3,4
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	474,2	112,6	1,2
Бошқа хизматлар	1 586,2	111,9	3,8

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар 121,2 фоизга, ижара ва про-
кат бўйича хизматлар 117,1 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган
хизматлар 116,6 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар
115,7 фоизга, компьютер ва маший товарларни таъмирлаш бўйича
хизматлар 114,7 фоизга, савдо соҳасидаги хизматлар 114,1 фоизга
ошиб, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт хизматлари (жа-
ми хизматларнинг 29,1 фоизи), савдо хизматлари (28,2 фоизи), молия-
вий
хизматлар (11,2 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
(6,9 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

Нархлар

Нарх индексларининг ўзгариши
Январь-июнда
(нарх-навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртacha ойлик даражаси		июнь ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2015й.	2016й.	2015й.	2016й.
Истеъмол нархлари индекси	0,4	0,4	2,6	2,5
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,8	1,4	5,0	8,9
			ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	
Саноат фаолияти			108,9	

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	101,2
Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	101,0
Металл рудаларини қазиб олиш	100,0
Қайта ишлаш саноати	109,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,8
Ичимликлар ишлаб чиқариш	120,6
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,8
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,2
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	139,4
Металлургия саноати	114,0
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	118,9
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	117,7

**Автотранспорт воситалари, трейлерлар
ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш** 102,8

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш
ва ҳавони кондициялаш** 109,0

**Сув билан таъминлаш; канализация тизими,
чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиши** 102,6

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31 807,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 231,7 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди. Шундан, 16 110,0 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,6 фоизи) ва 15 697,0 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қиласди.

Январь-июнда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қўйидагича ифодаланади:

	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил
Туғилганлар	311,7	318,0	20,2	20,2
Ўлганлар	73,0	73,9	4,7	4,7
шу жумладан бир ёшгача болалар (ҳар 1000 та туғилганга)	3,9	3,7	10,8	10,0
Никоҳлар, мингта	102,7	92,4	6,7	5,9

	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил
--	----------	----------	----------	----------

Ажралишлар, мингта	14,7	14,8	1,0	0,9
--------------------	------	------	-----	-----

Туғилиш даражаси. 2016 йилнинг январь-июнида түғилганлар сони 318,0 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (311,7 минг киши) нисбатан 6,3 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 20,2 промиллени ташкил қилди.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 73,9 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (73,0 минг киши) нисбатан 0,9 минг кишига кўпайди. Мос равища ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил қилди (2015 йил январь-июнда – 4,7 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 59,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,6 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи – баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,5 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 3,7 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 10,0 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь-июнда – 10,8 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 53,5 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 24,4 фоизи – нафас олиш

органлари касалликларидан, 10,2 фоизи – туғма аномалиялардан ва 3,0 фоизи – инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь-июнида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 92,4 мингта никоҳлар ва 14,8 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,9 та (2015 йилнинг шу даврида – 6,7 та) никоҳ ва 0,9 та (2015 йилнинг шу даврида – 1,0 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 72,0 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 84,4 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 12,4 минг кишига (2015 йилнинг шу даврида – минус 13,4 минг киши) тенг бўлди.

Бандлик ва меҳнат бозори

Бандлик. 2016 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13 916,6 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 43,9 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 191,5 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасида (3,8 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (3,7 фоизга), ахборот ва алоқа соҳасида (3,4 фоизга), қурилишда (3,3 фоизга) кузатилди.

2016 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторда жами бандлар улуши 81,8 фоизга етди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 81,6 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик¹⁾. 2016 йил июнь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 5,8 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига (5,2 минг киши) нисбатан 12,8 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2016 йил январь-июнида 725,1 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизга тенг бўлди.

¹⁾ Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида